

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдураҳмонов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Туробжон Жўраев
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод

5
2011

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Умримиз боқийдир, боқий! 3

ШЕЪРИЯТ

Маҳмуд Тоир. Иккиликлар. Туркум. 7
Икром Искандар. Қалбимизда давом этар йил бўйи баҳор. Шеърлар. 15
Ҳалима Худойбердиева. Истак ўсса дарахтдай. Шеърлар. ... 48
Турсун Али. Кўнглим узра хазонрез фасли. Шеърлар. 52
Фахриёр. Қайноқ ранглар улашар ҳаёт. Шеърлар. 65
Ўктамой. Шафақ кулар кўзи қизариб. Шеърлар. 69
Лайло Шарипова. Нақшлар эртак айтади. Шеърлар. 92
Юсуф Худойқул. Юракларда уйғонар Ватан. Шеърлар. 95
Ойдиннисо. Сен. Туркум. 104
Болтабой Бекматов. Нигоҳингда муҳаббат топдим. Туркумдан. 106

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Муслим Мусаллам. Бу қирларда яшайди тарих. Шеърлар. 118

ҒАЗАЛХОНЛИК

Анвар Юнусжон. Бу ҳаёт уммони ичра. Ғазаллар. 124

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Тароватга лим тўла фурсат. Мушоира. 142

НАСР

Абдумутал Абдуллаев. Ҳазрати Аттор. Маърифий қисса. (Бошланиши). 18
Абдунаби Ҳамро. Олотнинг одамлари. Ҳикоя. 57
Исажон Султон. Озод. Роман. (Охири. Бошланиши ўтган сонда). 127

ФАНТАСТИКА, САРГУЗАШТ, ДЕДЕКТИВ

Файзулла Салаев. Узро. Фантастик қисса. 72

ЖАРАЁН

Иброҳим Ғафуров. Ўзгараётган дунёда шеър сўзи. 98

РОМАН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Дилмурод Қуронов. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. ... 108

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Шаҳобиддин Нуриддинов. Мулла Қўшоқ Мискин ва унинг адабий мероси. 120

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бахтиёр Назаров. Йигирма ёшдаги шоирларимиз. 144
Нўъмон Раҳимжонов. Адабиётшуносликнинг янги босқичи. 159
Рухсора Тўлабоева. Болалар характерини тасвирлашда кулгининг ўрни. 166

САНЪАТ

Зокиржон Орипов. Навоий наволари. 169

ЁДНОМА

Тоштемир Турдиев. Самимий сатрлар соҳиби. 172

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой Адашбоев. Ажиб ҳангомалар. 175

Шарқ юлдузи

2011
5-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монеълик кўрсатилса, Тошкент – 100000, «Амир Темур» тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.
Обуна индекси — 911

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99
www.sharqyulduzi.uz
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.10.2011 йил.
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2450 нусха.
Буюртма № 199-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.
«Ўқитувчи» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.


Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Саҳифаловчи ва дизайнер:
Акбарали Мамасолиев
Мусаҳҳиҳ:
Дилфуза Маҳмудова

Copyright © «Шарқ юлдузи»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабиётшунослик



Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик

ЙИГИРМА ЁШДАГИ ШОИРЛАРИМИЗ

Мустақилликнинг йигирма йиллиги муносабати билан ушбу мақоламизда мустақилликка тенгдош йигирма ёшдаги шоирларимиз ижодига бир назар ташлаш, уларнинг руҳий ва бадиий дунёсидаги эврилишларни кузатиш, тахайюлидаги реал ва идеал ғоялар, образларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил этишни ният қилдик. Бу ўринда, аввалambор, ёшларга, ёш ижодкорларга давлат миқёсидаги эътибор ва ғамхўрликка, ҳеч муболағасиз, жаҳоннинг исталган мамлакатидаги тенгқурлар ҳавас қилсалар арзигулик эканини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Президент Ислом Каримовнинг маънавият соҳасидаги деярли бирор-бир асари ёхуд маърузаси йўққи, бу масалага махсус урғу берилмаган бўлсин. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласининг асосида ҳам ёш ижодкорларга моддий ва маънавий ғамхўрлик ётади.

Ёш ижодкор қизларимизни рағбатлантиришга мўлжалланган Зулфия номидаги Давлат мукофотига ўхшаганини дунёнинг бирор-бир мамлакатидан топиб кўринг-чи.

Куни кеча қаттиқ танлов асосида саралаб олинган бир қатор ёш ижодкорларнинг дастлабки китоблари катта нусхаларда давлат ҳисобидан чоп эттирилиб, жумҳурият миқёсида бепул тарқатилгани ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг навбатдаги ёрқин намунасидир.

Энди, ўзимизнинг йигирма ёшли – ёши мустақиллик билан тенгдош шоирларимизга қайтсак. Кимнингдир кўнглида иштибоҳ уйғонса, ажаб эмас: катта ёшдаги тажрибалилари бирор-бир нарсани қотираётибдимики, йигирма ёшлиларидан юксак талабларни қондира оладиган асарларни кутсак?! Бу ёшдагилар ўзи, умуман, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган, шеъриятга ҳам эндигина кириб келаётган бўлса, ёзганлари ҳам шундан ортиб қаерга борарди? Ҳатто Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг бу ёшда ёзганларидан кўп жилдликларига бор-йўғи уч-тўртгина шеър киритилган ва улар ҳам ҳозирги назарда ўртамиёна даражада. Шу маънода, бу ёшдаги шоирлар ижодига алоҳида мақола бағишлашдан бирор наф бормикан, эртароқ эмасмикан? Берилувчи баҳолар ҳам қулоғидан чўзилган бўлади, мақтовлар эса, уларни бирмунча эркалатиб юбориб, эртанги ижодларига салбий таъсир кўрсатиб қўймасмикин? Бундай фикрлар эгасида Чеховнинг Беликовидек ёзда эҳтиёж учун ёмғирпўш кийиб юрадиган қаҳрамонидаги хусусиятлар мавжуд эса-да, нафсиламрини айтганда, бу фикрларда асос йўқ ҳам деб бўлмайди. Айни вақтда, уларни тўғри дейиш ҳам қийин. Гап шундаки, замона шарофати туфайли, эмин-эркинлик боис,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёшларнинг ўнлабгина эмас, юзлаб шеърий тўпламлари чоп этилаяпти. Улар сирасида ниҳоятда ғўр ва бўшлари кўп. Аксарида, хоҳишгина бор, шеър эса йўқ ҳисоби.

Лекин, наинки, фақат ёшлар, балки, ҳатто, аниқ йигирма ёшлилар ва, баъзан, улардан ҳам бирмунча навқиронроқ шундай ижодкор ёшларимиз ҳам борки, уларнинг дастлабки тўпламлари, туркум шеърларини ўқиб, теран дидли, ўзига хос тарздаги маҳоратли, ҳақиқий шоир деган мақомга муносиб равишда шаклланиб келаётган янги кучларимиз бор, деб дадил айта оламиз.

Шу ўринда, ҳозирги йигирма ёшлиларимизнинг қай даражада эканликларини билиш учун уларнинг асарларини устозларининг йигирма ёшда ёзган шеърлари билан қисқача қиёслаш ўринли бўлади.

Маълумки, Фитратнинг бутун ижоди марказида Ватан ва озодлик масаласи туради. Унинг йигирма ёшлар атрофида ёзила бошлаб, икки-уч йилдан сўнг Туркияда нашр этилган “Сайха” тўпламидаги шеърларидан бирида шундай мисралар бор:

Тонг саҳардан тавоф этгил, бу Ватанимдир,
На Ватан бу, саждагоҳу, жоним ва танимдир,
Кўкда моҳим, осойишу иззат-шарафимдир,
Ҳам Каъбамдир, ҳам қибламдир, ҳамда чаманимдир.

Туркистон мухториятини оташин ҳаяжон ва порлоқ қувонч билан кутиб олган Чўлпон йигирмалар арафасида, аниқроғи ўн тўққиз ёшда эди. Бу ёшда Чўлпон “Озод турк байрами” асарини ёзди. Шеър матни бир неча кун ичидаёқ янги тузилган давлатнинг бамисоли мадҳиясига айланди. У ёшлар, намойишчилар, турли миқёслардаги йиғин қатнашчилари томонидан Тошкентда, Фарғона водийсида оммавий равишда ижро этилганига тарих гувоҳ:

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!
Нақорат:
Туркистонлик – отимиз, Туронлик – унвонимиз,
Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсин қонимиз!

Эътибор беринг, йигирмаларга бориб-бормаган ёш шоир бутун Туркистон ўлкаси халқининг ўтли орзу-умиди ва, ҳатто, армонларини ўзига жо этган – ҳам мазмун, ҳам шакли-бадийяти жиҳатидан янги бўлган, ҳайрат ва нидога йўғрилган асарини яратаяпти.

Миртемир “Боқ” шеърини ёзганда эндигина ўн етти ёшда эди.

Боқ! Шарқнинг булутлар босган уфқида ўтлар ёнади.
Ёвузлар булғаган мажруҳ кўксига шуъла ёғади...
Йилларнинг жабрини тортган андалар турган ўхшайди,
Занжирлар исёнсиз узилмаслигини билган ўхшайди.

Шеър остига битилган “1927” санасини кўрмасангиз унинг муаллифи ёшини ўспирин йигитча эмас, каттагина ҳаётий тажрибага эга, дунёқараши чиниққан ва тиниққан шоир бўлса керак, деган фикрга боришингиз, табиий. Бунинг устига, матн юзасидан мулоҳаза гўё хориж шарқи ҳақида бораётгандек, унинг асл замирида эса, шоир шу вақтдаёқ шеъриятнинг ажиб сир-синоатлари устида астойдил излана бошлаганининг гувоҳи бўламиз.

Қандай гўзал, қандай ложувард,
Хаёл каби кўринар жаҳон?!

Ёки:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деразамга урилади қор,
Урилади жарангсиз кумуш.
Деразамга урилади қор,
Қор сингари оппоқ бўлди туш.

XX аср ўзбек шеъриятига янги руҳ, янги оҳанглар, оҳори тўкилмаган бадиий образлар ва, ҳатто, янги шакллар олиб кира бошлаганда Рауф Парфи йигирма ёшда эди.

Наинки, йигирма ёш: “Кундуз ўйга чўмар тун ярми”, “Кечки қуёш турмаклар сочин, Жозибали бўлар эртага”, “Шабнамнинг соф қадаҳи синди, Кулимизни совурди фалак. Сен мендан айрилдинг, мен сендан, Ўйин тушар рангин камалак” сингари қуйма сатрларни ёзган Рауф Парфи ўн тўрт, ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз ёшларида эди...

...Энди ҳозирги йигирма ёшлиларимизга келсак. Мустақиллик ёшига тенгдош шоирларимизнинг ижодига назар ташласак.

Уларнинг эндигина бошланаётган ижодида истиқлолни, байроғимизни, конституциямизни куйлаш алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Эндигина йигирма ёшга кирган Дилфуза Усмонова “Орзуларим”, “Умидлар қанотида”, “Ширин афсун” номли уч шеърий тўплам муаллифи. Ўзбекистон Миллий университети талабаси. У:

Истиқлол-истиқбол бу мангу тилак,
Ватаним, муборак, шонли айёминг, – деб ёзар экан, бу мисралар шунчаки, риторика эмас, қуруқ мадҳиябозлик ҳам эмас, бу нидо унинг ўз қалбидан, тенгқурлари, барча ёш замондошлари қалбидан отилиб чиққан “уммон туйғулар”нинг самимий ифодаси эканига ишонасиз. Ёш шоиранинг “Юртимга тилак” шеъридаги:

Энг улуғ, энг азиз шодиёнамиз,
Асрларга татир-мустақиллигим.
Ватан-меҳри уммон , мунис онамиз,
Шалола янглиғ соф эзгу диллигим, –

сатрлари юқоридаги фикрларнинг яна бир тасдиғи ва давоми сифатида жаранглайди. Эътибор беринг, бу каби мисраларда фавқулодда бир образлилик, кутилмаган ўхшатиш ёки мажозни кўрмайсиз, сезмайсиз. Бироқ, энг асосий нарса – беғубор ёш қалбнинг, шу қалбга туташ миллионлар юрагининг ифодаси бор бу сатрларда.

Дилфузанинг ушбу шеъридаги юртга, юртдошларга, мустақилликнинг йигирма ёшини нишонлаётган тенгдошларга қарата айтган:

Юксал, яна излан, шиддат билан тош,
Бўлайлик биз ёшлар сенга елкадош,
Олдинда кутажак порлоқ келажак,
Юртим муборакдир сенга қутлуғ ёш, –

мисралари бугунги поэтик иқрорнома эканидан ташқари, улар ўзида бугуннинг шукроналигини, ҳамда, энг асосийси, келажакка ишонч руҳини ифодалаши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Марғилонлик Дилшода Расулованинг мўъжазгина, ҳажми саккиз мисрадан иборат “Қўлимдаги бутун нон...” деб бошланадиган шеъри бор:

Қўлимдаги бутун нон,
Бобом тутган қадим шон,
Юрагимда пок виждон –
Мустақиллик!

Юзаки қараганда, шеър оддий сўзлар йиғиндисидек, илгари сурилаётган фикр ҳам жўн бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса, ундай эмас. Бу ўринда, оддийлик ва соддалик фақат шаклгагина тааллуқли. Бу – халқ қўшиқларига хос соддалик. Шеър чамаси мак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

таб ёшигача бўлганларга мўлжаллаб ёзилгани учун ҳам содда, қабул қилиниши осон шаклда ёзилган.

Бу соддалик замиридан эса, дидли ўқувчи, аслида, чуқур маъно ва теран ғоялар топа олади.

Қўлдаги бутун нон, матн юзида кўриниб турган маънодан ташқари, ўзбекона лутфдан келиб чиқиб қаралганда, толе, давлат шукроналик бутунлигининг бадиий ифодасидар. Бобо тутган қадим шон эса, буюк тарихимиз, Соҳибқирон Амир Темур, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино ва бошқаларнинг бугун бизга дахлдор шон-шуҳратлари. “Юракдаги пок виждон” мисрасига чуқурроқ эътибор берсангиз, у оддий бир фикр ёки, ҳатто, тафталогияга ҳам ўхшаб кўриниши мумкин. Лекин ундай эмас. Ахир, куни кечагина шўролар тазийқи, зуғуми, мустабидларча зўравонлиги виждонимизни ярим, имонимизни чалажон, эътиқодимизни бебурд қилишга интилмадими? Бугун эса, виждонимиз, имонимиз бутун, у ўзимизда, ўзимизники, бунинг сабабчиси мустақиллик, демоқчи бўлади шоира. Қатағон қилинган боболар шон-шуҳратини ҳам қайтариб берган, қайта тиклаган, бугун уларнинг қадр-қимматини баланд кўтариб, хотиралари шарафига деярли ҳар йили улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилишига асосий сабабчи ҳам мустақиллик, дейди. Қолаверса, қўлимиздаги нонимиз бутунлиги − толеимиз, ўзлигимиз, қувончу орзуимиз бутунлиги ҳам мустақиллигимиз туфайлидир.

Шеърнинг иккинчи тўртлигида шоира ўз фикрини янада бойитади, ниятларини юракларимизга янада яқинроқ олиб келади:

Онам ёзган дастурхон,
Шоиру олим, деҳқон,
Вужудимда оққан қон −
Мустақиллик!

Бунинг биринчи мисрасида ҳам она бор, ҳам у ёзган дастурхон. Она таърифини ўзингиз бераверинг. У ёзган дастурхон эса, ҳам оила, ҳам насиба, ҳам неъмат, ҳам меҳр. Ўзбек удумида она ёзган дастурхон, бу – тўкинлик, бағри кенглик, тинчлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик муждаси. Шоиру олим, деҳқон – моҳиятдан халқ дегани, халқнинг бирликдаги заковати дегани. Вужудда оққан қон эса ҳаётдир, бугунгина эмас, келажак ҳамдир.

Қайси бир шоир мустақилликни куйлашни балки баландпарвоз эпитетларнинг жаранглашида, деб билиши мумкин. Дилшода эса, уни юқорида шарҳлаганимиздек, ниҳоятда оддий, лекин, ниҳоятда чуқур, халқона образлар замиридан сизиб чиқувчи теран ва юксак маъноларда кўради.

Ёшларимиз мустаққиллик, байроғимиз, конституциямиз қатори гербимиздан ҳам ғурур туядилар, бу борадаги ҳаяжонларини, туйғуларини шеърда ифодалашга ҳаракат қиладилар. Бундай шеърлар, улардаги мисралар, баъзан ўзининг болаларча самимияти билан ажралиб туради.

Мадина Раҳмонованинг “Ҳумо сўзи” шеъри ана шундай. Шеърда, Ҳумо қуши тилидан айтилишича, унинг пок нияти, айни вақтда, зийнати ҳамдир ва, айниқса, гербимизда кўрк экани уни ниҳоятда фахрга чулғайди. У ўзининг яхшилик элчиси эканидан қалбида ғурур туяди. “Осмоним тинч − учаман, кенг замонни қучаман”, дейди шеър қаҳрамони – Ҳумо. Шеърни ўқиб, бу фикрларни айтаётган − фақат Ҳумо қушигина эмас, шеър муаллифи ва унга тенгқур ёшларимиз ҳамдир, деган хулосага келамиз.

Дилфуза Усмонованинг “Муқаддас қомусим” шеърида шундай мисралар бор:

Қай элларни кезмай, сенсан қўриқчим,
Фақат оқ йўлларга йўллар йўриқчим,
Жабрим аритувчи жондай ёруғчим,
Сен борсан қаддим тик, қалқон-қиличим.

Шеърнинг дастлабки мисралари ўқувчида, яна эскича тарздаги баландпарвозликми, деган таассурот қолдириши мумкин. Бироқ, кейинги сатрлар сизни бу фикрдан қайтаради. “Жондай ёруғчим” каби ифода эса, шоиранинг бадиий образ масаласидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиройли изланишларидан дарак беради. “Қалқон-қилич” иборасида ўз ифодасини топган бадиий фикр, наинки, қомусимизга, балки унинг ортида турган Ватанимизга, унинг ўз-ўзини ҳимоя қилаолувчи куч-қувватига бир поэтик ишора сифатида шеърхонда илиқ таассурот қолдиради.

Ҳар бир халқ ва миллат ўзлигида муҳим ўрин тутувчи Ватан, мустақиллик, конституция, байроқ каби тушунчаларни бадиий тараннум этиш, қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ижодкордан катта маъсулиятни талаб этади, албатта. Лекин, иқтидорли ёш шоирларимиз бу маъсулиятдан чўчимайдилар, чунки, ўзларига ишонадилар ва мазкур мавзуларга дадил мурожаат этадилар. Бу борада, тажрибасизлик туфайли битилган, анчайин, бўш, саёзгина ёзилмалар бисёр эса-да, ёшларига муносиб равишдаги навқирон туйғулар тошиб турганини кўрсатувчи ўсмирларга, ёшларга хос ҳиссий тебранишлари ҳамда шуларга муносиб равишдаги чиройлигина образлар товланиб турувчи шеърлар ҳам талайгина.

Мана, шундай битиклардан бири − Фарида Тошпўлатованинг “Байроқ” номли шеъри:

Ҳилпираган байроғим,
Жўшқин сойга ўхшайди.
Ё бобомнинг серажин
Манглайига ўхшайди.
Байроқ ўзи эл юзи,
Шу ном унга мос эрур.
Терлаган пешонага
Ой битгани рост бўлур.

Бу − ёш шоиранинг шеъри экани ундаги бадииятдан ҳам, образлар ва оҳанглардан ҳам, шундоққина сезилиб турибди. Катта ёшдаги ижодкор бу тарзда ёзмаслиги мумкин. Жуда ёш қалб эгасигина бу қадар, болаларча покиза, ўйноқи, сероҳанг бўёқларда ёзади.

Мустақилликка тенгдош ёшлар ижодини кузатсак, уларнинг шеърларида, айниқса, Ватан образи алоҳида ўрин тутишининг гувоҳи бўламиз. Мунира Қўқонова “Тилимда муқаддас бир оят − Ватаним”, деб ёзади. Ватан ёшлар талқинида, турли кўриниш, турли ракурсларда намоён бўлади. Ватан дер экан, биров тарихга назар ташлайди, бошқа биров бу масалани ҳозирги мустақиллик билан чамбарчас бирликда кўради, яна биров унинг келажагини тараннум этади.

Давлатжон Каримов ҳам йигирмани йигириб турган шоирларимиздан бири. Дастлабки тўпламини эълон қилган. Шеърлари орасида Ватанга бағишланганлари ажралиб туради. “Ватан менинг ёлғиз манзилимдир, менинг юрадиган ёлғиз йўлимдир”, дейди шоир. Куйлай билиши ҳам − Ватан туфайли, кучи, зўрлиги ҳам − фақат Ватандан. “Бағишлов” шеъридаги лирик қаҳрамон − ҳар куни ва, умуман, умрининг ёруғлиги сабабини Ватандан кўради. Унинг талқинича, ҳатто, муборак ҳаж ҳам, саждагоҳлик ҳам Ватандан айро бўлиши мумкин эмас.

Шуниси эътиборлики, Давлатжон Каримов тасвиридаги Ватан фақат ютуқлардан, фақат қувончлардан, буткул машҳурлиги шон-шуҳрат топган кишилардангина иборат эмас. Булардан ташқари, Давлатжон ифодасидаги Ватан, кези келганда, оғир мусибатларни бошдан кечирган, баъзида, тундай қоронғи кунларда чақмоқдай, чақиндай ёвқурликлар эгаси бўла олган, лекин, доимо юзи ёруғ чиққан мўътабар гўшадир. Яъни, шоир Ватан образини доимо нурлар оғушида эмас, реал равишдаги бор мураккабликлари билан, ҳамда, айни вақтда, ўз идеалига, орзуларига мустаҳкам боғланишда чизишга ҳаракат қилади.

Ватан − Усмон Носир,
Чўлпон − Ватандир.
Ватан чақинимдир,
Ватан дўлимдир...
Онам кулча ёпган
Қадрдон тандир −

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ватан − ёлғиз манзил,
Ёлғиз йўлимдир.

Бундай мисралар шоирнинг инжа қалб ва ёлқинли туйғулар эгаси эканидан далолат беради. Ватаннинг она кулча ёпган қадрдон тандирга ўхшатилишдаги образлилик мисолида эса, унинг тасвирдаги миллийлик масаласига ҳам жиддий эътибор беришини, ҳамда, эътиборга молик муваффақиятларга эришаётганини кўрсатади. Давлатжон ушбу шеърида Ватанни “ота юзидаги тизимкор ажин”га ўхшатиши замирида ҳам чуқур ва теран поэтик маънолар топишга уринаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Тўғри, Ватан дейилганда, юздаги ажин образига мурожаат шеъриятимизда учраб турадиган ҳодиса. Лекин, Давлатжонни бу ўринда, кўчирмачилик ёки такрорчиликда айблашга шошилмаслик лозим. Чунки, бу образ унинг шеъридаги чуқур ва атрофлича ишланган бадиий яхлитлик замиридан ўсиб чиқади.

Шу ўринда, ёшлар ўзгалар ишлатган образларни такрорламаслик масаласида ниҳоятда ҳушёр бўлишлари кераклиги ҳақидаги талаб доимо ўз ўрнида туришини яна бир таъкидлаган ҳолда, ижоднинг бошланғич давр палласида ёшларга у ёки бу бадиий образ аввал ишлатилган эди, деб мутлақ қаттиққўллик, талабчанлик қилиш замирида, баъзан ноҳақ айблашларга йўл қўйишда ўзимиз ҳам баъзан эҳтиёт бўлишимиз керак бўлади.

Шу маънода, “Бағишлов” шеърида Давлатжон бир ўринда, Ватанни “бўсадан лабимга уринган насим” дейдики, бу образ бизга энди катта фарқсиз Усмон Носир ва Рауф Парфи шеърларидаги ҳолатларни бирмунча ёдга солади ва такрорга ниҳоятда яқин экани билиниб қолади.

Ватанни ҳамма куйлаши мумкин. Бироқ, ҳар қандай куйлашда ҳам куйлаш бор. Қатор ёш шоирларимизда Ватанни куйлашда баъзан мақсаддаги идрок ва туйғунинг аниқлигидан кўра, хоҳиш ва истакнинг ўзигина устунлик қилгани сезилиб, натижада, гўзал ёхуд маъқул шеър чиқмагани билиниб қолади. Шеър кўр-кўрона ёзилгандек таассурот қолдиради. Ўзига талабчан, ҳушёр ёш шоирларимиз эса, Ватан ҳақида нима ёзмоқчи бўлаётганига, нега ёзилаётганига аввалдан алоҳида эътибор берадилар. Мақсадни кўнгил тубида чуқур ҳис этадилар, фикр ва ғояни идрок чиғиригидан ўтказадилар.

Давлатжон Каримовнинг “Туғён” шеъри матнидаги яхлитлик ва узвийликда бирмунча тарқоқлик кўзга ташланса-да, шеърдаги лирик қаҳрамоннинг Ватанни англашдаги маънавияти, бурчни идрок этишдаги ўзига ўзининг талабчанлиги ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Бу лирик қаҳрамон Ватанга кўр-кўрона эмас, англаб, дилдан сабабини чуқур ҳис этиб фидойилик қилувчи ёш кишидир.

Аста оқ-қорани танигач ўзим,
Ватан гавдаланар кўзим ўнгида, – деб ёзади шоир бу ҳақда. Ватан нега ҳам кўнгилзор, ҳам меҳристон бўлиб туюлишининг омил ва сабабларини бу лирик қахрамон яхши тушунади. Қаҳрамоннинг “Бахтим шу − шу юртда келдим оламга”, дейишининг боиси ҳам шундан.

Лекин “Туғён” шеъри охирига бориб кўтарилиш ўрнига, сусайиб кетгандек кўринади. Бунинг сабаби, якуний эффект ўрнини шеърда фикрий парокандалик эгаллагани туфайли бўлса, ажаб эмас. Бундан ташқари, асарнинг охирги тўртлигидаги “Шу юртга меҳрдир ёлғиз айблик“ мисраси билан шоир нима демоқчи экани мавҳумлигича қолади. Бу Ватанни англаш учун, энг асосийси, меҳр керак. Ойдин Бозорова “Мўжиза фасли” шеърида:

Бу қадим юрт гўзалдир асли,
Меҳр билан термулсанг агар, − дер экан, бу туйғуларнинг ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда самимий ва чиндан ҳам аслида шундай эканига дилдилдан ишонасиз.

Ватанни севиш, уни мадҳ этиш, кўкларга кўтаришгина эмас, унга муносиб фарзанд бўлмоқ истаги ёш шоирларимиз асарларидаги лирик қаҳрамонлар табиатида товланиб турган асосий хусусиятлардан биридир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Истиқлол тенгдошлари образини, характерини яратишда ҳали ўн саккизга тўлмаган Гулбаҳор Умарова ҳам жиддийгина ва чиройли изланишлар олиб боряпти. Айрим ёшлар бу борада, бевосита, тўғридан-тўғри ўз тенгқурларининг қиёфаларини яратиш йўлидан борсалар, Гулбаҳор бу мақсадни мажозий образларга мурожаат этиш орқали амалга оширади.

Дунёда борлигин кўрсатмоқ учун,
Изғирин бағрини ёриб бойчечак
Қаҳратон юзига боқаяпти тик,
Қалбида нурли ўй, нурли келажак.

Бойчечак – мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган, кенг дунёнинг қаҳратону изғиринларига илк бор юз очаётган, кўзида келажакка ишончи лиммо-лим тўлган ёш қалб бўлса, ажаб эмас. Тахайюлимизга изн берсак, Гулбаҳорнинг ўзидир, тенгдошларидир, балки. Ким билсин, эҳтимол, ҳали ёш, анчагина навқирон истиқлолимиз эмасмикан, бойчечак? Қуйидаги мисралар ҳар қалай у истиқлолнинг ўзи-ку, деган фикр уйғотади кишида:

Ҳали машаққатлар кўпдир олдинда,
Довуллар долғали кезар беомон.
Бойчечак кўзини юммоқчи бўлар,
Ул ёвуз тўфонлар солиб ғалаён.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўтган йигирма йил мобайнида бемисл улкан ютуқларни қўлга киритганимиз билан, олдинда машаққатлар ҳам оз бўлмаганини яхши биламиз. Ахир, мустақиллигимиз боши устида не-не довуллар ўйнамади, не-не довуллар кезмади. Улар, эндигина, дунёга покиза назар ташлаётган “бойчечак кўзини юммоқчи” бўлдилар. Улар, шубҳасиз, бизнинг ғанимларимиз эди, ёвуз тўфонлар эди. Шеърда, бу кучлар табиатда кечиши мумкин бўлган оддийгина тўфонлар эмас, “ёвуз тўфонлар” дейилиши шундан.

Агар эътибор берсангиз, Гулбаҳор Умарова, айрим тенгқурлари каби мустақилликни фақат улуғлаш, кўкларга кўтариш, унинг натижаларини мадҳ этиш доирасида қолиб кетаётгани йўқ. У мустақилликни оғир, осон бўлмаган, машаққатли курашлар билан тўлиб-тошган жараёнлар сифатидаги яхлитликда бадиий таҳлил этмоқда.

Лекин, Гулбаҳор талқини ва тасвиридаги ана шу мустақиллик (агар у мустақилликни назарда тутаётган бўлса) ёхуд ёшлик (агар шеърда ёшлик ҳақида гап бораётган бўлса), ёинки, уларнинг ҳар икковидаги ҳам дейлик қийинчиликлар “ёвуз тўфонлар” олдида енгиладиган, уларга бўй эгадиган даражада ожиз эмас. Аксинча, бу мустақилликнинг, бу ёш қалбнинг ўй-хаёллари, иродаси, ўзига ишончи, ўтли ҳарорат билан ёлқинланади, бу қалб, бу истиқлол умиди юксак орзулар билан тўла, айни вақтда, буюк нашида би-лан келажакка интилувчандир:

Лек, қалби, ўйида ўтли ҳарорат,
Буюк орзуларнинг сарчашмасида.
Кўкка бўй чўзмоқда ҳар лаҳза, ҳар он,
Кўнглида жўш уриб буюк нашида.

Биз шеърга сарлавҳа қўйилган-қўйилмаганига кўп ҳам эътибор бермай, ўқиб ке-таверишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, бу нарса билиб, чуқур ўйлаб амалга оширил-ган бўлса, яъни, шеърдаги сарлавҳанинг бор-йўқлигида ўзига хос мақсад яширинган бўлади. Шеърдаги сарлавҳа унинг маъно-мазмунига муайян йўлланмадир, асар ғоясига солинажак ўзига хос бир очқичдир. Шеърда сарлавҳанинг йўқлиги эса, ундаги рубобий – лирик маҳзандан ташқари, асарнинг суворий тагқатламига ишорадир. Кўпмаъноликни илғаш ва топишга чорлов, шеърхон тахайюлига берилаётган эрк, ўқувчини, маълум да-ражада, асар воқеалари, ғоялари иштирокчисига айлантириш тадоригидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулбаҳор Умарованинг юқорида фикр юритилган сарлавҳасиз, “Дунёда борлигин кўрсатмоқ учун”, деб бошланадиган шеърини ўқиб ҳам, шундай хулосага келиш мумкин. Шеър сизни ўзи билан эркин суҳбатга чорлайди, сизни асар ўқувчисидан кўра, унинг қаҳрамонига айлантиришни хоҳлайди, асар заминидаги кўпмаънолик, серқатламлиликни ҳис этиш, идрок қилишга ундайди. Бундай шеърлар ўқилгач, шеърхонни янада бойитадиган ва, айни замонда, ўқилган шеърнинг ўзи ҳам янада бойийдиган асарлар тоифасига киради.

Гулбаҳорга тенгдош шоирларимиз ўз тенгқурлари қиёфасини яратишга ҳам алоҳида эътибор беришини кузатамиз.

Асарда тасвирланаётган бундай ёшлар орасида мутелик ва қарамликдан ор қиладиган, адолатсизликка қарши аёвсиз курашишни истайдиган, курашчан, олов қалбли лирик қаҳрамонлар ҳам учрайди. Ростгўйлик, ҳақиқат бундай қаҳрамонларнинг бош аъмоли бўлиб юзага чиқади.

Гўзалхон Эргашеванинг “Мен” шеъридаги лирик қаҳрамон ана шундай қалб эгаси. Гўзал эндигина ўн саккизга кирган. Шеърлари ҳам ёшига монанд ўктам, шиддатли, туғёнли.

Менинг кўнглим нохақларга эголмас бош,
Ҳур тоғлардан қад кўтарган дилда бардош.

Истагани билан ҳар ким доим ҳам ҳақ сўзни, рост сўзни айта олмаслиги мумкин. Бунинг учун кимгадир журъат етишмас, кимдадир ирода бўшлик қилади, кимнидир эса, қўрқув ваҳми босиб туради. “Мен” шеърининг қаҳрамони ундайлардан эмас. У айрим қўрқоқ, соқов сўзларнинг ботир сўзга айланишини истайди ва, керак бўлса, уларни юзага чиқарувчи тил бўлишга тайёр эканлигини билдиради:

Турналарнинг йўлларида кўзлар қолди,
Қадри қолмас тупроқларда излар қолди,
Қоғозларда соқов, қўрқоқ сўзлар қолди,
Ботир сўзга айланинг, мен тил бўламан.

Шеър қуруқ чорлов ва даъватдангина иборат эмас. Унинг айрим бандлари гўзал ва эҳтиросли образлар билан безалгандир. Шеър лирик қаҳрамоннинг курашга тайёрлигини билдириш билан чекланиб қолмайди. Адолат учун курашда ғолиб чиқишига ишонади, ишонадигина эмас, ғалаба завқини сургиси келади. Лекин курашларга киргувчи бу қаҳрамон қалби тош ҳам эмас. Шу ўринда, муаллиф шеърга ўзининг нозик қалбини сингдириб юбора олади. Шеърнинг лирик қаҳрамони йигитдек журъатли, сўзи ва мақсадидан қайтмайдиган, қийинчиликдан чўчимайдиган бўлгани билан, дағал, қўпол эмас, гулдек нозик ўзбек қизларининг меҳрли ва майин қиёфаларини тажассум этади.

Юракларда зангмас, ёнар ишқ ёлқини,
Кўзимда ён, сўзимда ён-рост чақини,
Ғолиб бўлиб, бир сурайлик ҳақ завқини,
Тикан билан курашувчи гул бўламан.

Гўзал Эргашеванинг “Элингни кўрсат” номли шеъри ҳам ана шундай курашчанлик руҳи билан суғорилган. Бу шеърнинг қаҳрамони, шунчаки, тиним билмас, курашларни қўмсовчигина эмас, тиниб-тинчимасликни ором деб билган, ва, ҳатто, “шамолнинг юрагини кўра олган” ёшлар сирасига киради.

“Элингни кўрсат” шеъридаги қаҳрамон юрт қўлга киритган мустақиллик билан ғурурланар экан, бу билан кифояланиб қолмай, халқининг мустақилликка монанд кўнглини бутун дунё кўришини, билишини истайди. Бу эрк, бу озодлик осонлик билан қўлга киритилмаганини, кези келганда, осмон булутлар исканжасини кўрса-да, лекин, тоғу тош, барибир, бургут қучоғида қолишини куйлайди. Шоира ҳаётни фақат оқ ёки қора бўёқда эмас, мураккаблик уйғунлигида тасвирлашга ҳаракат қилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу осмон булутнинг исканжасида,
Тоғу тош бургутнинг беш панжасида,
Лек, сен озодликнинг ҳур нафасида,
Эй ўзбек, эрк деган кўнглингни кўрсат!

Оппоқ пахтанг каби йўлинг бўлсин оқ,
Эй менинг жисмимга қоришган тупроқ,
Юрагим тўрига илинган байроқ,
Воҳ, йигирма йиллик бўйингни кўрсат!

Эътибор беринг-а! Истиқлол байроғи фақат муҳташам бинолар пештоқига илинган эмас, бу байроқ шеърдаги лирик қаҳрамон, унинг тенгдошлари, умуман, ҳар бир ватандошимиз юрагида ҳам ҳилпираб туради. Бу – ўн саккиз ёшдаги навқирон шоирамизнинг гўзал топилмасидир.

Шеър ниҳоясида шоира ғурур билан ўзбек элини жаҳон кўриши, билишини истайди ва бунга қаттиқ ишонади:

Чинорга термулиб боқаман ўйчан,
Қаттиқ соғинаман ёшлик – чанг кўчам,
Қалбга экиб ғурур, Ватанлар ичра
Сен жаҳонга ўзбек элингни кўрсат!

Шеър ниҳоясидаги якка мисра асар ғоясининг леймотивидир дейиш мумкин:

Ҳақ томон бурилган йўлингни кўрсат!

Бу – қўш маъноли ёки кўп маъноли мисра. Ундан элимиз, юртимизнинг йигирма йилдан буён адолат ва ҳақиқат йўлига ўтганини ҳам ёхуд бир вақтлардаги худосизликдан тамом воз кечиб, ҳақ йўлини тутганлигини ҳам англаш мумкин. Айни вақтда, ушбу мисрадан қўлга киритилган, тартиб берилган, олға борилаётган ўзига хос бу йўлни ўзгалар кўришигина эмас, ҳавас қилишига арзийди, деган маънони ҳам уқиш мумкин.

Йигирма ёшли шоирларимиз Ватан бағридаги ёшлар сурати ва сийратини ёки бошқача айтганда, ўз тенгқурлари қиёфасини, уларнинг характерини яратишга эътибор қаратмоқдалар, дер эканмиз, Дилновоз Қўлдошеванинг “Иқрор” номли шеърига ҳам алоҳида тўхтаб ўтиш зарур. Бу шеър, наинки, шоиранинг ўзи, балки, унга тенгдош кўплаб ёшларнинг ҳам поэтик иқрорномасидир, дейиш мумкин:

О, дил қўрғонига қайтган сатрлар,
Турибмиз йилларнинг кафтига тўлиб.
Биз яшаймиз энди кечанинг эмас,
Бугуннинг, эртанинг юраги бўлиб.

Бугунги ёшларимиз ана шундай. Дилнавоз айтаётгандек, улар кечаги кун билан, кечаги кун ютуқлари билангина яшамайдилар. Улар катта кўтарилишлар, бурилишлар, ўзгаришлар ва қурилишларга, бунёдкорлик ва изланишларга тўлиб-тошган бугун билан ва, ҳатто, булардан ҳам юксакроқ мақсадлар тўйинган эртанги кун ишончи билан яшайдилар. Бу ёшлар, шунчаки, яшайдиган ва ишлайдиган, ёхуд мустақиллик гаштини сурадиганларигина эмас, бугун ва эртанинг юраги эканликларига ишонч ҳосил қилаётган ёшлардир.

Шундай экан, эндигина, йигирма ёшга тўлган Дилнавознинг бу “Иқрор” шеъри ўз тенгқурларининг дастурий фикрларини ҳам ўзига сингдирган дейиш мумкин. Гап шундаки, Дилнавоз фақат идеал туйғуларни эмас, ўз тенгдошларининг реал туйғуларини ҳам ифодалайди. Шеърида романтик кўтаринкиликдан ташқари, ҳаётдаги мавжуд ёхуд бўлиши мумкин камчиликларни хаспўшламайди, улардан кўз юммайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу тушунчани у қуйидагича поэтик тажассум этади:

Саросар туманлар тарқайди ҳали,
Шовуллай бошлайди томирларда қон.

Қийинчиликлар, камчиликларни у баъзилардек аюҳаннос солиб, ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг, истиқлолимизнинг бизни эзиб юбораётган дардлари ё хатолари тарзида эмас, табиий равишда кечиши мумкин ҳолатлар – шеър матнида эса, кучимиз, шиддатимиз остида барибир тарқалиб кетажак туманлар, дея талқин этадики, бу навқирон шоира лирик қаҳрамонининг ватанпарвар, миллатпарвар қиёфасидан далолатдир. Асар сўнгидаги: “Шовуллай бошлайди томирларда қон”, мисраси эса, бутун шеър руҳига ҳам, ундаги лирик қаҳрамон характеридаги кўтаринкиликка ҳам, шеър муаллифи табиатидаги фидойилик моҳиятига ҳам ажиб бир ўктамлик бағишлайди.

Ҳақиқий шоирлик файласуфона фикрлаш ва уни муносиб йўсинда поэтик ифодалай билишдан бошланади. Шоирни файласуф билан бирлаштириб, ва, айни вақтда, ундан ажратиб турадиган хусусиятлар шунда. Вақтга ўзбек шеъриятида Ғафур Ғулом қадар чуқур поэтик таъриф бера олган шоирни топиш қийин, деган нақл бор. Биз айрим йигирма ёшли шоирларимизни бу масалада улуғ шоир билан тенглаштириш фикридан йироқмиз, унга ўхшатмоқчи ҳам эмасмиз. Бироқ, улар орасида устоздан ўрганиб, унга қараб, вақт фалсафасини ўзларига хос равишда поэтик суратлашга ҳаракат қилаётган ва, бу борада, йигирма ёшли навқирон қалблари билан терангина муваффақиятларга эришаётганлари бор эканини айтгимиз ва кўрсатгимиз келади.

Дилнавознинг йигирма сатрдан иборат “Вақт” деган шеъри бор. Мақоланинг ҳажми чегаралангани ҳамда шеър ҳақида қисқа мулоҳаза юритишнинг ўзи унинг поэтикаси ва гўзаллиги ҳақида етарлича тасаввур беролмаслигини назарда тутиб, бу ишни кейинга қолдириб, янги “Вақт”ни қуйида тўлиқ келтирсам, у ҳақида тўкисроқ тасаввурга эга бўласиз, деган умидим бор.

Вақт –
Синиқ кўзлардан симириб гулоб,
Тунда майсагилам тўқиган ҳурлар.
Тонгни қучоқлаган гўдакдек юмшоқ,
Мўрили кулбага шамол урилар.
Эски деразанинг тирқишларидан
Сизиб кирди яна оғироёқ тун.
Ташқарида хира кўзойнак тақиб,
Мук тушиб ўтирар шамолранг сукун.
Туйнукка тўкилса ой гажаклари,
Гуллар яралгуси қадимий сирдан.
Яккаш лаҳзалари хиромлар этса,
Ҳаволар рангланиб кетади бирдан.
Фонус кўтарганча ўз овулида,
Қирларда мезбонлик қилаётир бахт.
Борлиқни қировлар кафтига юклар,
Қамарий тунларни туғаётган вақт.

Шеърнинг ҳар бир бандидаги, мисралардаги образларга эътибор беринг. Шеър, умуман, ҳозирги шеъриятимизни безай оладиган манзумалардан биридир, деб дадил айтиш мумкин. Лекин, назаримда, Дилнавоз Қўлдошева ижодида бартараф этилиши лозим айрим қусурлар бордек кўринади. Унинг баъзи шеърларида образлилик, мажоз, ўхшатиш, кўчим шу даражада бисёрки, шу қадар тиғизки, улар шеърхонни баъзан чарчатиб қўйиш даражасига боради, фикрни толиқтиради, хаёлни гарангситади. Тўғри, образдаги тиғизлилик унинг ижодига хос хусусиятларидан бири, эҳтимол, ўзининг танлаган йўли бўлиши мумкин. Лекин, шеъриятда образлилик нечоғлик муҳим ва зарур эканидан қатъи назар, ундаги мақсадни пароканда қилувчи меъёр бузилиши рўй берар экан, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳол асар вужудида номатлуб парчаланишни юзага келтиради, у эса, ўз навбатида, асар яхлитлигини бузади. Яхлитликнинг бузилиши эса, асар таъсири ва қабул қилинишидаги уйғунликнинг сочилиб кетиши ёхуд туйғулар занжирининг узилишидир.

Шу ўринда, Дилнавоз Қўлдошева ва Акром Малик ижодида кўзга ташланувчи модерн табиатли шеърлар хусусида икки оғиз гапириб ўтиш ўринли кўринади.

Изланиш, шаклда ҳам, ифода йўсинида ҳам, образлар тизимида ҳам янгиликка интилиш катта ижобий ҳодиса, албатта. Бироқ, идрокни, туйғуни, маънавиятни янада ўстиришга хизмат қиладиган бўлса. Акром билан Дилнавознинг модерн шеърларида айрим чиройли изланишлар кўзга ташланса-да, баъзи шеърларда улар мубҳамлик остида қолиб кетади. Образлиликда баъзан ўта оригиналликка интилиш кутилган самараларни бермай қолади.

Мана, Акромнинг “Тирик уйқулар” шеъридан парча:

Тушнинг яроғида титраб туради,
Танамни қучоқлар
Дийдираб руҳим,
Унинг кўзгусида толе кўради
Ойдан тушиб келган
Кумуш шукуҳим.

Модерн шеърларнинг оташнафас тарафдорлари бу мисралардан бизга истаган маъною хоҳлаган ғояларни топиб беришига ишонаман, лекин, мен бу мисраларни шеърнинг бошқа қисмларига ҳам боғлиқликда такрор-такрор ўқиб, бирор-бир аниқ нарса уқа олмадим. Уқа олмасангиз айб ўзингизда, шеърда нима гуноҳ, дегувчилар бўлиши ва бу фикрни қабул қилиши ҳам мумкин. Шеърни ўқишда давом этамиз:

Қаро тун бағрига исиниб ётар,
Зулмат тирноғига урилган совуқ.
Кўз қири нафратга михланиб қотар,
Афсус, қўшинига
Ўтиб кетса туғ.

Энди, юқорида айтганимиз образлиликдаги бисёрлик, ўта тиғизлик, ҳаддан зиёд серкўчимлилик масаласига юқоридаги мисралар асосида аниқроқ ёндашсак: қаро тун, исиниб ётиш, зулмат, тирноқ, совуқ, кўз қири, нафрат, михланиш, афсус, қўшин, тиғ...

Э-э, тўхтанг, биродар, шеърдаги ҳар бир сўзни алоҳида юлиб бу тарзда парчалаб ташлайверсангиз, шеър қоладими, деб кимдир бизга танбеҳ берди дейлик ва уни ҳам қабул қилиб, алоҳида-алоҳида эмас, бир-бирига боғлаб ҳам ўқийлик, майли. Лекин, бунда ҳам бирор-бир тиниқ, тайинли маънони уқишнинг ўзи бўлмаяпти-ку?

Энди, шеърнинг якуний қисмини келтирайлик:

Туйғу имонланар ғамга сиғиниб...

Аввалги лавҳалардек, парчани тўлиқ келтирмайлик-да, шу ўринда, бир зум тўхтаб ўтайлик ва ўз-ўзимизни саволга тутайлик: нега туйғу ғам туфайлигина иймонлашуви керак ёки нега туйғулар ғамга сиғинибгина иймонлашуви мумкин, деб қараш керак? Мен, бу ўринда, шўро замонидагига ўхшаб, ғамни қораламоқчи эмасман, у ҳаётимизда, турмушимизда йўқ ҳам, демоқчи эмасман. Бадиий матндаги узилиш рўй бераётганини, образлар, фикрлараро боғланувдаги асослашда мотивировка етишмаётганини таъкидлаяпман, холос.

Шеърдаги мисраларни давом эттирайлик:

Туйғу имонланар ғамга сиғиниб,
Меҳробни эгаллар
Тупроқ қайғулар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳажр мужгонида
Қолган илиниб,
Гард билан дўстлашган
Тирик уйқулар...

Бу лавҳани ҳам такрор-такрор ўқидим. Уларни шеърнинг аввалги қисмлари билан боғлаб, мушоҳада юритишга ҳаракат қилдим. Охирги мисралардан нималарнидир уққандек бўлдим. Лекин, шеър учун, наинки, қувноқ мазмун, ҳатто, оғир дардни ифодаловчи шеър учун ҳам зарур бўлган поэтик гўзалликни топмадим. Қидирганим, топмасимдан ўзаро бир-бири билан зўрма-зўракиликда бириктирилган образларга урилиб, парчаланиб кетаверди. Шеър лирик топишмоққа ўхшаш таассурот қолдирди. Балки, поэтик ребус деса ҳам бўлар.

Бу билан мен модерн шеърни мутлақ қораламоқчи эмасман. Меъёри мижиғланмаган бу йўналишдаги шеъриятнинг ҳам гўзал намуналари бор. Ёшларимиз ана шундай модерн шеърият намуналарининг сир-асрорларини чуқурроқ ўрганиб, бу йўналишда астойдил тер тўксалар, бундай шеърларнинг ҳам ихлосмандлари кўпайиши, шубҳасиз.

Мана, Баҳодир Баҳромнинг “Севги япроғи” деган шеъридан бир тўртлик:

Кўкардим армоннинг қучоғидан даст,
Орзуга қўл силтаб яхши бор дедим.
Шу дам янги туфли кийиб ўтди вақт,
Эски туфлилардай тешилди этим.

Шеър, агар янглишмасам севги ҳақида, унинг таманнолари, азоблари, армонлари ҳақида. Ёшликдаёқ кўнгилга тушган куз андуҳлари ҳақида.

Шеърда:

Ташқарида кимдир кутаяпти сени,
Кутиб қолди, балки, бахт у, борақол, –

сингари нечоғлик ғамгин бўлмасин самимий ва гўзал оҳанглардаги мисралар ҳам учрайди. Шеър ниҳоясида: “Мен ожиз кузларга кўмдим умримни, сени баҳорларга беркитди ҳаёт” каби дилбаргина маънолар товланиб туради. Лекин, бу фикрларга келгунча шеърнинг марказий қисмидаги вақтнинг янги туфли кийиб ўтишию лирик қаҳрамоннинг эти (!) эски туфлилардек тешилиб кетиши нимани англатади, ҳарчанд тиришмай, идрок этолмадим, ҳис этишга ҳаракат қилдим, ҳиссиётларим ҳам қабул қилолмади. Шоир шундай демоқчи бўлдимикан, деб бир-икки нарсани тусмоллаб кўрдим, лекин уларни бу ерга ёзишга ботинолмадим. Шоир тамомила бошқа нарсани назарда тутган бўлса, дидим чиппакка чиқиб қолмасин, дедим, шекилли?

Аввалар ҳам маълум даражада кўринган бўлса-да, йигирманчи аср сўнгида ўзбек шеъриятига модерн йўналиш – мураккаб шеърият шиддат билан кириб келди.Очиғини айтиш керак, бу ҳол айримларда жиддий изланиш тарзида, айримларда анъанавий шаклларда бирор-бир муваффақиятга эриша олмаганлари боис, яна кимлардадир қофия санъатидаги юксак талабчанлик билан боғлиқ поэтик теранлик қийинчилиги, машаққатидан “қочиш” туфайли, бошқа бирларида эса модерн моҳиятдаги мураккаблик, истаганча “образкашлик” ортига яшириниш мақсадида рўй бермоқда. У бизда нечоғлик мустаҳкам ва талабчан ўрин эгаллаб қолиш-қолмаслигини келажак кўрсатар, лекин ҳозирданоқ, шуни айтиш мумкинки, йилдан-йилга бу йўналишда ижод қилувчи ёшлар кўпайиб бормоқда. Улар орасида йигирма ёшлилар ҳам талайгина. Жаҳон модернига ҳамоҳанг мураккабликдаги ўзбекона миллий образлар товланган, бадиий идрок этилиши жиҳатидан сунъийликдан ва, баъзан, ўта қўполлик, ўта хунукликдан холи модерн шеърларку ўзига муайян йўл топа олар, лекин баъзан ўта мураккабликда намоён бўлувчи ҳамда миллий бадиий тафаккуримизда наинки матлуб, балки, ҳатто, зид моҳиятдаги зўрма-зўраки образлилик асосига қурилган шеърларнинг қисмати, на-

www.ziyouz.com kutubxonasi

заримда, ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаги футуристларнинг изланишларига ўхшаб қолса, ажаб эмас.

Тўғри, шеърда кўпмаънолик, кўпқатламликнинг ўзига хос катта ижобий хислатлари бор. Бу борада, шеъриятнинг Бедил каби оталари бўлган. Лекин, модерн шеъриятдаги ҳаддан ортиқ серобразлиликни, ўта мураккабликни ва бунда истаган киши истаганча тахминий маъно-мазмун бераверишини, оригиналлик баҳонасида образлиликдаги бадиий мантиқсизлик ва, ҳатто, айрим, хунукликни оддийгина эмас, ҳатто, анчайин малакали ва жаҳон модернидан яхшигина хабардор ўзбек ўқувчиси ҳам қабул қилиши қийин кечади, деб ўйлайман.

Абдуманноб Мансуров ҳали йигирмага ҳам тўлган эмас. Энди ўн тўққиз ёшда. Шеърларини ўқисангиз ҳавасингиз келади. Табиатни куйлашда, табиатга монанд инсон руҳиятини чизишда, уларнинг ҳар икковини ажиб бир уйғунликда миллий тафсилотлар, миллий бўёқлар, миллий характерлар билан туташтиришда ва буларнинг барчасида самимий бир тиниқликка эришишда Абдуманнобни тенгқурлари орасида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Унинг ёзганлари орасидаги сараларида ниҳоятда ёш, навқирон эканига қарамай, тажрибасизлик деярли сезилмайди. Бундай шеърлар тажрибали устозларнинг айрим асарлари билан бемалол ижодий мусобақалаша билади. Шу ёшдаёқ, дастлабки, “Орзулар чашмаси” номли тўпламнинг муаллифи.

Мана, унинг “Қишлоқ” номли шеъридан сатрлар:

Тоғнинг боғларидан тарқалди туман,
Осмон тандирига қуёш ўт ёқар.
Боғ оралаб ўтган ариқда чаман,
Яшил япроқларнинг яноғи оқар.

Қаранг, ариқ чаман бўлиши мумкинлигини ва унда япроқларнинг ўзидан ташқари яноғи оқиши мумкинлигини шу ёш шоир сезибди, пайқабди.

Туйғулар кўнгилни нақкошдек ўяр,
Тутзорга етаклаб кетади хаёл.
Саҳарлаб ҳовлини супуриб қўяр,
Онамнинг кўринмас келини шамол.

Кейинги икки мисрадаги миллийлик, манзара тиниқлиги, оҳанг дилбарлиги сизнинг ҳам туйғуларингизни майин бир гўзалликда қитиқламадими?

Шеърда бир-биридан чиройли ташбеҳларга, бадиий образларга дуч келасиз, деярли бирортасида сунъийликни, зўрма-зўраликни сезмайсиз, гўё, ўзи қуйилиб тушаётгандек. Шеърдаги тасвир ва ҳолатлар, мабодо, ҳужжатли лентага туширилгудек бўлса, нақадар ажойиб тасвир тасмаси майдонга келарди, деб ўйлайсиз. Шеърни ўқиш давомида болалардек қувнаб, оппоқ гулларини варрак қилиб учираётган кўҳна теракларга дуч келасиз. Айвонда дўппи тикиб ўтирган баҳорга мафтун бўласиз. Хаёлингизда рангбаранг ипаклардан ҳосил бўлган дўппидек − баҳорнинг турфа чечакларидан товланган ҳовли гавдаланмадими?

Табиатни бамисоли рассомдек ва, ҳатто, сўз билан ундан ўтказиб чизаётган шоир, секин-аста асар ниҳоясида яқинлашиб, сўзни инсон умрининг моҳият омили − меҳнатга ва унинг эгаси деҳқонга буради.

Улғайтирар ҳатто япроқларини
Дастурхонда турган нони бир тишлоқ.
Пиёладек тутиб тупроқларини
Деҳқоннинг кафтидан сув ичар қишлоқ.

Қишлоқни кўкларга кўтариш, меҳнатга шон-шарафлар ўқиш, деҳқонни қуруқдан-қуруқ улуғлаш каби ўтиб бўлинган уринишлар йўқ. Шуларни ифодалай олувчи поэтик образлилик ва сеҳрли оҳанг бор шеърда. Бундай шеърлар, наинки, адабиётимиз, балки, уларга қўшиб қалбимизни ҳам бойитади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёшлар устозларга эргашадилар, улардан ўрганишга ҳаракат қиладилар. Бу йўлда, баъзан таассубга йўл қўйганларини сезмай қоладилар. Баъзан эса, устозлар ижодидан ўзлари сезмаган равишда улги олиб, қалбларидаги ўз туйғуларини қоғозга туширадилар. Баъзида эса, аввалги авлодлар ижодидаги поэтик назарга янгича талқин бериш, янада бойитиш орзусини намоён этадилар.

Осмон тўла юлдузлар
Қани менинг юлдузим? – деб ёзган эди Ғафур Ғулом.

Моҳичеҳра Ҳақбердиева ёзади:

Осмонларда кўринмайди юлдузим,
Ёлғон бўлди қалбимдаги бор сўзим.

Эркин Воҳидовнинг пиёла ва чойнак ҳақидаги йигирма ёшлари атрофида ёзган шеърини билмайдиган мухлис бўлмаса керак. Турсуной Мажидова “Пиёла” шеърида устоз ғоясини ўзига хос бошқа бир тарзда давом эттиришга интилади. Оддий пиёлани кашф этганларга олқиш айтади. Ҳовучлаб на сув ва на чой ичиб таскин топардик, шу боис, қўлда пиёла тутганда кулолни эслаб, пиёла пешонасини силаб қўйинг, дейди шоира.

Таъсирланиш, ўрганиш, деганда, ёшлардан жуда кўпининг Рауф Парфи шеърларидан таъсирланиши, унга эргашишга ҳаракат қилиш сезилади. Хоссатан, Рауф Парфининг “Ёмғир ёғар, шивалаб ёғар” шеърининг ҳозирги йигирма ёшлилар ижодидаги ўнлаб турли вариант ва вариацияларига дуч келамиз.

Юлдуз Зоирнинг “Тун манзараси” ҳамда “Сиз билмайсиз” сингари шеърларидаги тунда оқ қоғозга дардларнинг тўкилиши ҳамда:

Дилимни эзади интиқлик,
Юракда яшайди бир ҳилқат.
Ўзим ҳам билмайман, гоҳида,
Азоб берар менга ул фақат, –

мисралардаги оҳанг тарзига, ҳиссиётларнинг ифода йўсинига, табиат ва инсон қалбидаги муштарақликнинг жонланиш сидрасига Рауф Парфи шеърларининг таъсири сезилиб туради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таъсирланишнинг ҳам ўзига хосликлари кўп. Баъзи шеърлар борки, таъсир кўрган таъсир этувчидан кўп ҳам узоқлашмай қолади, ўзида ўзлигини яққол намоён этишга улгурмайди.

Шундай шеърлар ҳам бўладики, унда қайси бир шоирнинг таъсирини аниқ сезиб турасиз, айни вақтда, таъсирланувчи асарида ўзининг “мен”лигини ҳам яққол ифодалай билганини кўрасиз. Юлдуз Зоирнинг Рауф Парфи таъсирида ёзилган шеъридаги ушбу мисралар ҳақида шундай дейиш мумкин:

Ёмғир ёғар оҳанги майин,
Осмон зимдан кўзин ёшлайди.
Юракдаги маъюс ўйларим,
Ёмғир каби оқа бошлайди.

Лекин, Юлдузда Рауф Парфидан ўрганиб, таъсирлангани билан, унинг доирасидан чиқиб кетолмай қолган ҳоллар ҳам учраб туради. Чунончи, шоирнинг “Ёмғир” шеърида шундай ҳолга дуч келамиз:

Маъюс томчилайди ёмғир бошимга,
Бугун осмон кўзин яна ёшлайди,
Кўнглимга ҳапқириб келган туйғулар,
Қоғознинг юзига тома бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу шоиранинг ўз “Ёмғир ёғар” деган шеъридаги айрим мисраларнинг бошқа бир йўсиндаги такрор эканидан ташқари, Рауф Парфи қаламига мансуб ёмғир ҳақида шеъридаги айрим мисра ва маъноларга ўхшаб қолмадими, деган фикрга боради киши.

Ёки, мана, Акром Маликнинг “Севиб қолдим” номли шеъридан икки сатр:

Эй севги, кел, сенинг кўзингдан ўпай,
Баҳорой, сен менга гул тутмайсанми?

Гўзал мисралар, гўзалликни инкор этиш қийин. Бироқ, диққат билан хотирангизни ишга солсангиз, худди шу мазмунга яқин бўлган бадиий образни қайсидир севимли шоирингиз ижодида бор экани ёдга тушмайдими? Ҳа, ана, чамаси, сизнинг ҳам ёдингизга тушди. Сиз ҳам Усмон Носирнинг: “Севги сенинг ширин тилингдан ким ўпмаган, ким тишламаган?” деган образли мисрани эсладингиз, чоғи.

Бу билан биз Акром Малик Усмон Носирдан кўчирган ёки такрорлаган демоқчи эмасмиз. Бадиий ижодда сезилмаган равишда бундай кўчимлар, такрорлик бўлиб турадиган ҳодиса. Барча ижодкорлар каби, ёшлар ҳам бу масалада ҳушёрликни қўлдан бермасликлари керак. Бунинг учун кўп ўқиш ва қувваи ҳофизани мустаҳкамламоқ зарур.

Ёки, мана, яна бир мисол:

Рашқ қилярман ўзимдан, ҳатто,
Жоним деган сўзимдан, ҳатто.

Бу, энди, Акром Маликнинг “Тилсиминг” номли шеъридан. Эркин Воҳидовнинг машҳур ғазали барчага маълум. Бу ғазал асосида қўшиқ ҳам мана бир неча ўн йилки юртимизда тинмай куйланиб келади. Мен Акром Малик билиб туриб, устоз Эркин Воҳидовни такрорлаган, демоқчи эмасман. Бунга ишончим комил. Лекин иложимиз қанча. Айтилган сўз − отилган ўқ. Буни айтишимиздан мақсад, ёшларимиз поэтик хотира омборларини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тоза ва беғубор тутишга ҳаракат қилмоқликлари лозим. Ўзларининг ижод далаларига сепган уруғларига фақат ўзлари қудуқдан тортган сувгина малҳам бўла олади. Арикда оқиб келган сувни ҳам, ёмғирни ҳам ҳеч ким инкор этолмайди, бироқ, улар ўз йўлига.

Демак, ёшларимиз учун устозлардан ўрганиш, жаҳон адабиёти ютуқларини ўзлаштириш, ҳаётдаги, замондаги инсон қалби билан алоқадор жараёнларни чуқур билиш, ҳаёт ва замон талаб қилаётган муаммоларни бадиий теранликда гавдалантиришга интилиш, ўз ҳаёти ва ижоди билан муқаддас Ватанни ҳар қандай бало-қазодан муҳофаза этиб, унинг қудратига қудрат қўшиш асосий вазифалар саналади. Мана шундай қадим йўлларга ўз сўқмоқларидан чиқиб олиш иқтидорини намоён этган ижодкоргина янги манзилларнинг баридан тута олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi